

## Факультет тарихи

Туркистон Давлат университетининг (1920 йил) саккизта факультети қаторида техника факультети ҳам фаолият олиб борган. Университетнинг машинашунослик бўлими 1930 йили Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига айлантирилган. Факультет базасида 1931 йили Ўрта Осий қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти тузилган. 1934 йили 11-ноябрда мазкур институт Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтига (ТИҚХММИ) айлантирилган. Ўз навбатида унинг таркибида қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Ўша йилнинг ўзида факультетда 401 та талаба таълим олган. Ҳукуматнинг 2004 йил 3-сентябрдаги 415-қарорига асосан, факультет Тошкент давлат аграр университети таркибига ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24-майдаги ПҚ 3003-сонли қарорига асосан факультет яна 2017 йил 2-сентябрдан бошлаб қайта ТИҚХММИ таркибида фаолият кўрсата бошлаган. Факультет битирувчилари республикаимиз қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштиришга катта ҳисса қўшган. Республика ҳукуматининг аъзолари, қатор конструктор ва олимлар етишиб чиқишган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович 1976–1981 йилларда факультетда таҳсил олган. Шунингдек, турли йилларда совет иттифоқи қаҳромони Виктор Малясов, Россия фанлар академияси академиги Кизяев Борис Михайлович, Россия фанлар академияси академиги Черноиванов Вячеслав Иванович, техника фанлари доктори, профессор Шарипов Қўнғирот Авазимбетович кабилар факультетда таҳсил олганлар. Факультет ривож ва тараққиётига академик М.В.Сабликов, ЎзФА мухбир аъзоси Г.А.Кошевников, хизмат кўрсатган фан арбоблари В.И.Лазунов, С.П.Пўлатов, профессорлар Ғ.Ш.Зокиров, О.В.Лебедев, О.А.Каримов, М.И.Ландсман, Е.К.Батурин, А.И.Корсун, М.С.Ғаниев, Р.Д.Матчанов, Ш.У.Йўлдошев, А.Х.Ҳайдаров, Ф.К.Дадабоев ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Факультетга 2000 йили 17 йил давомида институтга ректорлик қилган, йирик олим ва давлат арбоби, профессор Салим Пўлатов номи берилган. Факультетда турли йилларда профессорлар М.В.Сабликов, Е.К.Батурин, Г.А.Кошевников, С.П.Пўлатов, М.И.Ландсман, Н.В.Сабликов, В.В.Булкин, Н.П.Поликутин, В.А.Иванов, А.Х.Ҳайдаров, С.Г.Муҳаммаджонов, В.В.Байдингер, Б.Ф.Назаров, А.И.Комилов, О.А.Ғанихўжаев, Ў.П.Умурзаков, Х.Н.Ибрагимов, А.С.Сирожиддинов, Э.Т.Фармонов, У.Т.Кузиевлар деканлик қилган. Ҳозирда факультет декани лавозимида Қ.О.Шавазов фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда факультетда Қишлоқ хўжалиги машиналари, Трактор ва автомобиллар, Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш ва Умумтехник фанлар кафедралари фаолият кўрсатиб келмоқда. Факультетда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари техник сервиси, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш бакалавират йўналишлари ҳамда қишлоқ хўжалигини механизациялаш (тармоқлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Факультет битирувчилари Республикаимиз қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Факультет битирувчиларидан вилоят ва туман ҳокимлари, ҳукумат аъзолари, кўпгина конструктор ва олимлар етишиб чиққан. Муҳтарам Президентимиз Мирзиёев Шавкат Миромонович 1976-1981 йилларда факультетда таълим олган. Шунингдек, турли йилларда совет иттифоқи қаҳрамони Виктор Малясов, Россия фанлар академияси академиги Кизяев Борис Михайлович, Россия фанлар академияси академиги Черноиванов Вячеслав Ивановичлар факультетда таҳсил олганлар.